

ЖАНУБИЙ АФРИКА ВА ҲИНДИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЎЗ НУФУЗИНИ ОШИРИШ ВА ИМИЖИНИ ЯРАТИШ БОРАСИДАГИ ҲАРАКАТЛАРИ

О.З.Мадаминов

Урганч давлат университети ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10715625>

Аннотация

Оҳирги ўн йилликда халқаро ҳаёт етарли даражада мураккаблашди ва шу билан бирга ноананавий динамик характер касб этмоқда. Хохлаган давлатнинг ички тараққиёти унинг ташқи фаолиятига таъсири кескин ортди. Халқаро муносабатларнинг асосини ташкил қиладиган давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва ўзаро боғлиқлик инсоният олдида турган асосий ва энг муҳим муаммолар, жумладан уруш ва тинчлик масаласини самарали ҳал қилиш имконини излашга туртки бўлди.

Калит сўзлар: имиж, ЖАР, Ҳиндистон, халқаро муносабатлар, мустақиллик, субъект.

Марказий Осиё давлатлари ўз миллий мустақиллигига эришар экан халқаро сиёсий майдонда ўз ўрнини топишга, ўзига хос ижобий имиж яратиш вазифаси бугунги кунда долзарб бўлиб турибди. Халқаро муносабатларнинг янги ва фаол иштирокчиларига айлана бораётган Марказий Осиё давлатлари бу борада дунё тажрибасини ўрганмоқда. Шу ўринда Михаэл Кунчик томонидан Жанубий Африка ва Ҳиндистоннинг халқаро майдонда ўз нуфузини ошириш ва имижини яратиш борасидаги ҳаракатлари ва фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши асосида чоп эттирган китобига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Жанубий Африка давлати ҳар доим дунё ҳамжамияти кўз ўнгида апартеизм¹ тасавури билан боғлиқ бўлиб келган. Бу бўйича, яъни Жанубий Африка республикасида миллий камситишларнинг авж олаётгани, жаҳонда тан олинган ахлоқий номаларга жавоб бера олмаётгани ва апартеизм мавжудлиги тўғрисида хорижий оммовий ахборот воситаларида жар солинади. Бу борада, яъни бундай стереотип тасавурларни камайтириш мақсадида ЖАР ҳукумати ташаббуси билан 1974-1975 йилда АҚШ, Буюк Британия ва Австрия оммовий ахборот воситаларида бир қанча мақолалар чоп эттиради.

1976 йил февраль ойидан чиқа бошлаган мақолаларда Жанубий Африка республикаси “совуқ уриш”нинг форпостига айланиб қолаётганлиги, минтақада бугунги кунда, эркинлик ва инсон ҳуқуқлари Иккинчи жаҳон уруши давридагидан ҳам ёмон ахволдалиги ҳақида маълумотлар беради. Бу борада, мисол сифатида Анголадаги уруш ва ҳокимиятга СССР томонидан қўллаб-қувватланаётган ҳукуматнинг келиши алоҳида такидланади. Бу даврда, Жанубий Африка республикасининг ахборот масалалари бўйича котиби Э.Руди бошчилигида ЖАРнинг халқаро ва минтақавий майдонда ижобий имижини оширишга қаратилган ва паблик рилейшнз (PR) соҳасида махсус режа билан

¹ **Апартеид** (африка тилидан, “*айрича яшаш*”) ирқий дискриминациянинг кўриниши. Аҳолининг, ирқий қарашларга кўра фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилишидан то ҳудудий изоляциясигача олиб келувчи тизим. Замонавий халқаро ҳуқуқда бу, инсониятга қарши жиноят деб эълон қилинган.

<http://dic.academic.ru/dic.nsf/enc1p/5698>

иш олиб борадиган *махфий фонд* иш олиб борган. Кейинчалик бу махфий фонд фош этилганидан кейин Руди К.Малдер истефога чиқишга мажбур бўлади ва бу кампания оммовий ахборот воситаларида “Малдергейт” номи билан машхур бўлиб кетади.

Мазкур информацион кампаниянинг бошланишига, амалдаги ҳукуматнинг ЖАР ҳақида жаҳондаги пайдо бўлган салбий қарашлар оқибатида мамлакатнинг изоляция бўлиб қолиши хавфи сабаб бўлган. Мазкур масала юзасидан Э.Руди “The New York Times” газетасида шундай ёзган: “Бугунги кунда дунё оммовий ахборот воситаларида 1972 йилда Бурундида 220 минг киши ҳалок бўлганидан кўра, ЖАР да 70 киши ўлими тўғрисида кўпроқ ёзилади”. Шу пайтдан бошлаб, ҳукумат томонидан мамлакатни жаҳон ҳамжамияти олдида обрўсини ошириш мақсадида ўзига хос “информацион уруш” бошланади. Бу масала ҳатто мамлакатнинг миллий хавфсизлиги даражасига кўтарилади. Натижада, шу мақсадда, 1978 йилнинг ўзида ҳукумат томонидан 160-180 та махфий лойиҳалар амалга оширилади (75 млн. рандга тенг). Мазкур лойиҳалар асосан АҚШ, Исроил ва Ғарбий Европа давлатларига қаратилади. 1965 йилдан 1975 йилгача мазкур мамлакатларнинг расмий ва жамоат арбобларини ЖАРга таништириш мақсадида сайёҳат қилдириш, жамоатчилик фикрини ижобий томонга ўзгартириш ва Ғарб матбуотига таъсир қилиш мақсадида икки ярим миллион ранд сарфланади. Шундай лойиҳалардан бири бу хориж матбуотини сотиб олиш билан боғлиқ эди. Масалан, ЖАРда ўз инвестицияларига эга бўлган америкалик миллионер Я.Макгофф 20 млн. долларга “The Washington Star” газетасини сотиб олади ва бу билан “The New York Times” ва “The Washington Post” газеталарига рақобатлашишини таъминлайди. Мазкур газета орқали Жанубий Африка республикаси тарғиботига қаратилган мақолалар чоп этилади. Кейинчалик ЖАР ҳукумати қўллаб-қувватлаши асосида мазкур миллионер ўз кўрсатувларини 110 давлатга узатадиган Press International Television News халқаро телевизион янгиликлар кампанияси акцияларини сотиб олади. Шу асосида икки йил ичида ЖАР ҳақида 90 дан ортиқ телекўрсатувлар дунёнинг кўплаб давлатларига узатилади. 1974 йилда эса, Макгофф ЖАР ахборот вазири Мелдерни АҚШ президенти Форд билан учрашув ўтказишига амалий ёрдам беради. Шу билан бирга, мазкур махфий ташкилотнинг маблағлари АҚШда Президентлик ва Конгресс сайловларида ҳам иштирок этади, улар ўз сайлов кампанияларида Африкага ижобий муносабатда бўлган ЖАР билан ҳамкорлик қилишга тайёр ва шу мақсадда Конгресс (ва бошқа АҚШ давлат структураларида) уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга тайёр бўлган номзодларни қўллаб-қувватлайдилар ва шу асосида лобби кампаниясини ҳам доимий равишда олиб бордилар. 1970 йиллар охирида фонд раҳбари Э.Руди 3 млн. долларга public relations билан шуғулланувчи Американинг иккита фирмасини сотиб олади. Мазкур фирмалар асосан АҚШ бизнесменлари учун инвестицион семинарлар ташкил қилиш билан шуғулланишган. Натижада мазкур семинарларда 300 дан ортиқ АҚШнинг йирик бизнесменлари қатнашадилар. Мазкур семинарда маъруза қилган АҚШ молия вазирига гонарар сифатида 10 минг доллар тўланади, шунга ўхшаш молиявий ёрдамлар доимий равишда АҚШнинг вице президентлари олиб туришган.

Бундан ташқари, ЖАРлик спортчилар бойкотини олдини олишга қаратилган алоҳида лойиҳалар амалга оширилади. Шу мақсадда турли тилларда тегишли брошюралар, мақолалар ва эълонлар чоп этилади. АҚШ, Буюк Британия ва Австралия тажрибасига асосланадиган спортда одиллик масаласи билан шуғулланувчи махсус кўмита ташкил

қилинади. Шу пайтлари Жанубий Африка республикаси ўз миллий терма жамоаси таркибида ўша пайтдаги дунёнинг энг яхши гольф ўйинчиси Гарри Плеер фаолият олиб борган. 1975-1978 йилларда дунёдаги энг машхур “Douglas Bank”, “Bank of America” каби Америка компаниялари раҳбарларига Гарри Плеер номидан хатлар ташкил қилинади, унда мазкур бизнесменларни ЖАРга гольф ўйинига таклиф билан чиқилади. Бу бўйича барча ҳаражатлар Рудининг махфий ташкилоти орқали қопланар эди. Табиyki, дунёнинг энг яхши гольф ўйинчиси билан гольф ўйнашни нафақат йирик бизнесменлар, балки сиёсий арбоблар ҳам бажонидил қабул қилишарди. Шу асосида, мазкур юқори мартабали меҳмонларни ЖАРга ташрифига оид пресс-релизлар, мақолалар ва телекўрсатувлар жаҳон матбуотларида кенг ёритилган.

1980 йилда ҳукумат томонидан асосан Европага йўналтирилган тарғибот-ташвиқот кампанияси дастури ишлаб чиқилади. Унга кўра фонд маблағлари эвазига Европанинг бир қанча телеканаллари, газеталари ва масс-медиа компаниялари акциялари сотиб олиниши кўзда тутилган эди. Лекин, бу лойиҳанинг бир қисми амалга ошмасдан қолади. Шундай бўлишига қарамай Францияда битта кинокомпания ташкил қилинди. Мазкур кинокомпания фаолияти давомида Европа ва АҚШ теле экранлари учун Жанубий Африка тўғрисида 6 та кинофильм тақдим қилди. Германия матбуотлари эса бир йил ичида немис газеталарида ЖАР тўғрисида 600 та мақолалар чоп қилдирилди. Германияда яна, “Der Spiegel” газетасининг бош редактори Г.Хенненховель ҳам ЖАРга нисбатан алоҳида симпатияда бўлган. У асосан немис жамиятида Жанубий Африкага нисбатан ижобий қарашлардаги мақсадли гуруҳларни шакллантириш, ЖАРга етакчи немис бизнесменлари ташрифини уюштириш вазифалари билан шуғулланган. Г.Хенненховель Германия Бундестаги ва парламент аъзоларининг ЖАРга ташрифини уюштиради. У яна ЖАР ҳукуматига 1,2 млн. немис маркасига тушган, Европа черковларининг 133 нафар етакчиларини сафарини ҳам ташкиллаштиради. Мазкур немис фирмаси, жаҳонда ЖАРга ишлайдиган тўртта ташкилотлардан, энг самарадори ва таъсирчани ҳисобланган.²

АҚШда фаолият юргизган ЖАРнинг тарғибот-ташвиқот компаниялари асосан ҳар-хил клубларда, ННТлар, матбуот ва хатто диний ташкилотларда ҳам фаол ҳаракат қилишган. Улар асосан америкаликлар орасида ЖАРда бўлаётган ижобий ўзгаришларни тарғиб қилишга, миллий, диний ва этник мувозанатнинг сақланаётганига ва Жанубий Африка республикаси Ғарбнинг ишончли дўсти эканлигига урғу беришган. ЖАР ҳукумати ўз мамлакатини Ғарб кўз ўнгида Африка қитъасидаги охириги антикоммунистик бастион сифатида гавдалантиришга ҳаракат қилишган.

Натижада мамлакат аста секин дунё ҳамжамиятида ўзининг ўрнига, овозига ва имижига эга бўла борди. Буни биргина 1988 йилда рўй берган туристик оқимдан ҳам кўришимиз мумкун, шу йили мамлактга 1 млн.дан ортиқ ғарблик туристлар Жанубий Африкаси билан танишиш мақсадида ташриф буюришади.

Ва нихоят, 1990 йилда Фредрик де Клерк томонидан Жанубий Африка республикасида апартеид режимини тугатиш ва демократик янгилашни йўлига ўтиш тўғрисида қилган тарихий нутқи ва мазкур ташаббусни умумхалқ референдумида халқ томонидан қўллаб-

² ЖАРнинг халқаро майдонда имиджини оширишга ва етакчи давлатларда лоббировани билан шуғулланишга қаратилган 4 ташкилоти фаолият юргизган. Улардан 3 таси АҚШ да ва биттаси Европада иш олиб борган.

қувватланиши, мамлакатда 1994 йилда биринчи марта эркин, демократик сайловларнинг ўтказилиши ЖАРнинг кейинги тараққиётига ва унинг халқаро майдондаги нуфузининг ошишига ижобий таъсир қилди.

Агарда Жанубий Африка республикасининг халқаро майдонда ўз имижини яратиш бўйича ўтказган инфор­мацион кампаниясини бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, унинг самарадорлигини таъминлаган қуйидаги жиҳатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим:

- Мазкур лойиҳа билвосита ахборот тарқатиш билан шуғуллансада, у **махфийлик характери**га эга бўлган. Бу эса ўз навбатида кампанияни самарали ўтказишга ва оммавий қарши фикрларни шаклланмаслигига омил бўлган;
- Тарғибот ишлари мутлоқ семиотик характер касб этган: яъни, унда ЖАР ўз тасарруфида бўлган барча ресурсларидан фойдаланган, унда алоҳида машхур шахслар – бутун дунёга таниқли хирург К.Бернард, гольф устаси Г.Плеер каби шахслардан ҳам унумли фойдаланилган;
- Тарғибот-ташвиқот кампанияси ўз навбатида мифологик характерга ҳам эга бўлган: Жанубий Африка республикасига “совуқ уруш”нинг бир қисми сифатида қараш ва бунда ЖАР Ғарб томонида турган, минтақада демократик кадрятларни химоячиси сифатида талқин қилиш сифатлари ҳам кузатилган. Масалан, ЖАРга тегишли агентликлардан бирида тарқатилган суратларда кўлида рус қуролларини олиб турган Анголада фаолият олиб бораётган Кубалик ҳарбий конструкторлар намоиш этилади. Хаттоки спорт соҳасида ҳам ўз позициясини билдириб “адолат кўмитаси” ташкил қилиши ҳам бунга мисол бўла олади;
- Ташвиқот ишларининг асосий мақсади Ғарб давлатлари ва уларнинг лидерлари билан коммуникацияга киришиш воситаларини топишга қаратилган эди;
- Мазкур кампания ЖАР тўғрисидаги олдинги тасаввурларни оқлаш, яхшилаш учун эмас, балки янги қараш ва стереотипларни пайдо қилиш асносида қурилган эди (масалан, бунда улар ўзгаришлар керакли йўналиш бўйича кетаяпди, лекин бунга вақт керак, деб уқтиришган);
- Тарғибот кампанияси давомида шахсий алоқалардан ҳам фаол фойдаланилган. Жанубий Африкага Ғарбнинг турли соҳа етакчилари ва машхур шахслари жалб қилинган.

Охир-оқибатда, мазкур вазифалар самарали бажарилди. Бунда энг аввало, имиж яратиш бўйича кампанияга етук мутахасисларнинг жалб қилиниши, ҳукумат томонидан мазкур кампания моддий ва маънавий қўллаб қувватланиши, кампания давомида турли хил усул ва услублардан унумли фойдаланилиши вазифанинг самарали натижалар беришига омил бўлиб хизмат қилди.

Мазкур кампанияга ўхшаш, лекин алоҳида жиҳатлари билан ажралиб турувчи ишларни Ҳиндистон давлати мисолида ҳам кўришимиз мумкун. Ҳиндистоннинг дунё миқёсида имижини оширишда биқийс ҳисса қўшган, ажойиб имиджмейкер ва ҳинд паблик рилейшнзи асосчиси Э.Бернейс ҳисобланади. Унинг бошчилигида ташкил қилинган инфор­мацион кампания 1951 йилнинг октябридан 1952 йилнинг майигача давом қилди. Мазкур кампания давомида Ҳиндистоннинг ўзига хос жиҳатлари мифик образларда – ваҳший-йўлбарслар, муқаддас сигирлар, Маугли, диний секталар ва ҳ.к.лар

шаклида намоён қилиш кенг авж олди. Мазкур кампания давомида Европа ва АҚШ жамоатчилигида Ҳиндистонни ёш демократик давлат сифатида гавдалантиришга ҳаракат қилишган.

Ҳар доимгидек мазкур имиж кампаниясини шакллантиришда ҳам алоҳида шахслар фактори катта роль ўйнаган. Шу пайтлари Ҳиндистоннинг АҚШдаги элчиси Президент Нерунинг синглиси бўлиб, у асосан Э.Бернейс бошчилигида тузилган мазкур лойиҳанинг қайсидир маънода илхомлантирувчиси ва ҳомийси бўлган. У нафақат Ҳиндистон сиёсий доиралари, балки АҚШ Конгресси ва давлат департаменти билан ҳам узвий алоқага кириша олар ва мазкур информацион кампаниянинг муваффақиятини таъминлашда муҳим ўрин тутган шахс бўлди.

Бернейс томонидан Президент Неру учун махсус саволнома ишлаб чиқилади ва унинг асосида АҚШ жамоатчилиги орасида Ҳиндистон учун муносиб имиж яратишга эришиш кўзланади. Саволлар орасида шундайлари бўлган:

1. Нерунинг АҚШга нисбатан асл муносабати қандай?
2. Ҳиндистон ва АҚШ сиёсатларининг қайси жиҳатлари бир-бирига мутаносиб?
3. Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқига нисбатан ҳақиқий сиёсати қандай?
4. Агарда СССР унга нисбатан агрессив сиёсат қўлласа, Ҳиндистон қандай чора қўллаши мумкин?
5. Осиё минтақасида демократияни қўллаб-қувватлашда Ҳиндистоннинг ўрни қандай?
6. Ҳиндистоннинг Америка инвестицияларига муносабати қандай?

Кўриниб турибдики, мазкур саволларнинг барчаси аниқ сиёсий мақсадларни кўзлаган ва мамлакатни геосиёсий ҳолатини тасвирлашга қаратилган эди. Шу билан бирга, унда Ҳиндистон АҚШнинг яқин иттифоқчиси ва Совет Иттифоқи агрессияси хавфи таҳдидида бўлишига қарамасдан, Осиёда демократия ва инсон ҳуқуқлари химоячиси сифатида талқин қилинади. Президент билан ўтказилган мазкур сўровнома асосида тайёрланган мақола олдин Ҳиндистон манбуотида, кейинчалик “The New York Times” газетасида босилиб чиқади.

Шу билан бирга, Ҳиндистон ҳукумати ва жамоатчилигидан АҚШ таъсир гуруҳлари лидерларига 35 мингдан ортиқ хат ташкил қилинади. АҚШдаги Ҳиндистон элчиси бутун мамлакат бўйлаб юриб, турли аудиториялар учун Ҳиндистонга бағишланган маърузалар ўқийди. Бундай тажрибадан мамлакат Президенти Неру ҳам унимли фойдаланиб, АҚШ ва Европанинг энг машҳур олий ўқув юртларида маърузалар билан чиқади, бундай тадбирлар дунёдаги етакчи телеканаллар орқали тўғридан-тўғри трансляция қилишга эришилади.

Ҳиндистон томонидан ташкил қилинган мазкур имиж яратиш кампаниясини таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур кампания жуда оз муддат ичида ўз самарасини бергани ва деярли беш йил давомида Ҳиндистон тўғрисидаги Ғарбда шаклланган тасаввурларни ижобий томонга ўзгартиришга эришганлигини кўришимиз мумкин.

Мазкур кампаниянинг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бунда алоҳида сиёсий етакчиларнинг шахсий алоқаларидан ва коммуникация воситаларидан самарали фойдаланилган. Ҳиндистоннинг мазкур лойиҳаси асосан, мамлакатнинг энг йирик инвестори хисобланган, Америка Қўшма Штатлари сиёсий, бизнес доиралари ва жамоатчилигига қаратилган эди.

Шу асосида кўришимиз мумкунки, Ҳиндистон фақатгина имиж кампания ўтказиш билан чекланиб қолмади, у мамлакатда аниқ ва мақсадли йўналтирилган демократик ислохотлар ва иқтисодий модернизацияни амалга оширди. Аҳоли турмуш даражасининг ўсди; иқтисодиётда янги, инновацион лойиҳалар жорий қилинди; замонавий талабларга жавоб бераоладиган, ўз ядровий қуролига эга³, кучли армиясини шакллантирди; шу билан бирга Ҳиндистон бугунги кунга келиб Осиёдаги демократик ғоялар кенг ёйилган, инсон ҳуқуқларига содиқ ва ўзининг ҳал қилувчи овозига эга давлат сифатида майдонга чиқди.



³ Ҳиндистон биринчи марта 1974 йил 18 майда ўз ядро қуроли синовини ўтказди ва дунёдаги ядро қўролига эга олтинчи давлатга айланади.